



# Zarafshon

2022-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews\_uz



https://twitter.com/zarnews\_uz



## ДЖХ кубоги булунғурлик ва ургутлик ёшларда

Вилоятимизда 16-30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилган мини-футбол ва футбол бўйича "Давлат хавфсизлик хизмати кубоги" мусобақалари якунланди.

Апрель ойида старт берилган маъруз мусобақаларда вилоятдаги 1126 маҳалланинг 10 минг 510 жамоаси секторлар, туман (шаҳар), вилоят босқичида ўзаро беллашди. Бу орқали маҳаллалардаги минглаб ёшлар ўртасида спорт, соғлом турмуш тарзи оммалашди. Таълим муассасалари, маҳаллалардаги ўйингоҳлар футболсевар ёшлар билан гавжум бўлди.

Вилоят босқичи финал ўйинлари Самарқанд шаҳридаги "Динамо" ўйингоҳида ўтказилди.

Ўйин олдида стадионда ёш хонандлар иштирокида концерт дастури, спортчилар ва харбийларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов, Давлат хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси бошлиғи А.Ахмедов "Давлат хавфсизлик хизмати кубоги" учун мусобақалар аънавий тус олиб, маҳалла ёшлари ўртасида спортни оммалаштириш ҳамда истеъдодли спортчиларни кашф этишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг футбол бўйича мусобақанинг финалига йўлланма олган Булунғур туманининг "Чангал-1" ҳамда Ургут туманининг "Этак Бешкапа" маҳаллалари майдонга тушиб, ўз маҳоратларини

кўрсатди. Мурасасиз кечган учрашувда булунғурлик ёш футболчилар 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, мусобақанинг республика босқичига йўлланма олди.

– Мусобақа ташкилотчиларидан миннатдоримиз, – дейди "Чангал-1" жамоаси сардори Ҳожиакбар Муродов. – Биз маҳалла ёшлари футболга бунчалик катта эътибор берилди, деб ўйламагандик. Барча босқичларда мусобақаларда қатнашиш, машғулотлар ўтказиш учун шароит яратиб берилди. Энг яхши стадионларда ўйнадик. Бугун финалда вилоятнинг бош стадионида худди катта футболчилардек тўп сурдик. Бунинг завқи, ҳаяжони бошқача бўлар экан. Насиб бўлса, республика босқичида ҳам чемпион бўлиш учун майдонга тушамиз.

Мини-футбол баҳсларида Пахтачи тумани Гулобод маҳалласи жамоасини мағлубиятга учратган Ургут туманининг Соғ Гузар маҳалласи ёш футболчилари вилоятда биринчилиكنи эгаллаб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мусобақа ғолиблари ҳамда турли номинациялар бўйича фаоллар кубок, медал ва ташаккурномалар, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ф.РЎЗИБОВ.

## НАВБАТДАГИ ФЕСТИВАЛГА ОҚДАРЁ МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ

➤ Ёшлар ойлиги

Шу кунларда вилоятимиз бўйлаб "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шиори остида ёшлар фестиваллари ўтказилмоқда. Ўтган ҳафта Самарқанд шаҳрида икки кун давом этган фестивал Каттақўрғон ва Нарпай туманларида ўтказилган тадбирларга уланиб кетди. Кеча фестивалга Оқдарё тумани мезбонлик қилди.

Тадбирлар аънамага кўра "Соғлом ҳаёт учун беш минг қадам" юриш марафони билан бошланди. Шунингдек, веломарафон ҳам ташкил этилди. Унда 4 ёшли Диёрбек Аъзамқулов ҳамда 60 ёшли Мусаллам Турдимуродова ҳам иштирок этиди ва туман ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлик, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Туманнинг Бобур маҳалласида яшайман, – дейди Мусаллам ая. – Ҳар куни эрталаб велосипедда 5 километр масофа босиб Лойиш шаҳарчасига келаман. Сут, қатиқ топшириб, қайтаман. Шахсий автомобил ҳам бор, аммо велосипедда ҳаракатланишнинг соғлиққа фойдаси катта.

Туман истироҳат боғида ўтган кўргазмалар, маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақаларида оқдарёликлар фаол қатнашди.

"Бир нуруний – ўн нафар ёшга мураббий" тамойили асосида ўтказилган икки авлод учрашувида кўпни кўрган отахонлар, кайвони онахонлар ёшларга ўзларининг ибратли ҳаёт йўллари ҳақида гапириб берди.

Оқдарёдаги фестивалга таниқли санъаткорлар, сўз усталари, фольклор жамоалари иштирокидаги гала-концерт якун ясади.

Тўлқин СИДДИҚОВ,  
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).



## Қўшработ ва Иштихонга янги ҳокимлар тайинланди



Кеча халқ депутатлари Қўшработ ва Иштихон туманлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари ўтказилди. Вилоят ҳокими Э.Турдимов қатнашган сессияларда ташкилий масалалар кўрилди.

Оқбўтаев Ҳиммат Қўчқорович бошқа ишга ўтиши муносабати билан ўз аризасига кўра, Қўшработ тумани ҳокими вазифасидан озод этилди.

Депутатлар шу пайтгача вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келган Шакарбоев Дилшод Давронвични Қўшработ тумани ҳокими этиб тасдиқладилар.

Кўп йиллар давомида Иштихон туманига етакчилик қилиб келган Шуҳрат Негматов ҳам бошқа ишга ўтиши муносабати билан ўз аризасига биноан эгаллаб турган вазифасидан озод этилди.

Шу вақтга қадар Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллий саноатни ва кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари қотибияти мудирининг ўринбосари вазифасида ишлаган Рўзиев Фазлиддин Киранович Иштихон тумани ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Сессияларда иккала туманнинг собиқ ҳокимларига алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилиб, уларнинг хизматлари эътироф этилди.

Ўз навбатида Қўшработ ва Иштихонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш юзасидан янги раҳбарлар олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритилди.



➤ Конституцияга таклиф

## Инсон қадр-қиммати ҳимояланган бўлиши керак



Бош Қомусимизнинг 40-моддасида ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи мустақамлаб қўйилган. Бироқ бу хизматнинг малакалилигини қандай омилларга асосланиб аниқлаймиз? Назаримда, тизимни ислоҳ қилиш, унга оид қонунчиликни замон талабларига мослаштириш вақти етди.

Хусусан, Конституциянинг 40-моддасини "Ақлли тиббиёт" атамаси билан тўлдирish тарафдориман. Ақлли тиббиёт – бу рақамли тиббиётдир. У тезкор ва аниқ ташхис қўйиш, даволаш, касалликлар профилактикасини амалга ошириш имконини берадиган инновацион технологияларга асосланган тизим. Бу ўз навбатида "Ягона тиббий маълумотлар маркази" концепциясини ишлаб чиқиш зару-

ратини яратади. Натижада юртимизда тиббий хизмат сифати ортади, шифокор кўригидан ўтишга сарфлангани вақт ва харажатлар сезиларли даражада қисқаради. Асосийси, аҳолининг юқори малакали ва тезкор тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи мустақамланган.

И.УМИРОВ,  
Халқ демократик партияси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси.

## Касб-ҳунар мактабларига 9420 нафар битирувчи қабул қилинади

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2022-2023 ўқув йилида вилоятимиздаги 37 та касб-ҳунар мактабига 49 та касб бўйича 9420 нафар 9-синф битирувчиларини қабул қилиш режалаштирилди.



Янги ўқув йилида энг кўп ва энг кам қабул қилинадиган касблар аниқланди. Масалан, энг кўп қабул қилинадиган касблардан тикувчиликка 1590 нафар, пайвандловчиликка (электргазпайвандлаш ишлари) 1050 нафар, автомобиль шассисига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш йўналишига 810 нафар, тракторчи-машиначиликка 660 нафар ҳамда электромонтёрликка 630 нафар 9-синф битирувчилари қабул қилинади.

Шунингдек, талаб кам бўлган маънавий техника жиҳозларини таъмирлаш, банк назоратчиси, агроким ва туپроқшунослик лаборанти, мелiorация техникаси оператори, сув таъминоти ҳамда канализация тармоқлари кузатувчиси, токар, чорвадор касбларига 15-30 нафаргача ўқувчи қабул қилиш бўйича режа таклифлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига киритилди.

2022-2023 ўқув йилида 9-синф

битирувчилари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига асосан, 9550 нафар ўқувчи вилоятдаги касб-ҳунар мактабларида ўқиш истagini билдирди.

Касб-ҳунар мактабларида таълим олиш, умумтаълим мактабларининг жорий йил 9-синф битирувчилари ҳисобидан 2 йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурлари асосида кундузги таълим шаклида амалга оширилади.

Касб-ҳунар мактабларига 9-синф битирувчиларининг ҳужжатларини қабул қилиш жараёни ҳар йили 1 июлдан 20 июлга (шу куни ҳам) қадар онлайн ёки аънавий тарзда амалга оширилади.

Отажон НОРОВ,  
вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси.

## ИНДАЛЛОСИНИ АЙТГАНДА...

Нурулла АБДУЛЛАЕВ,  
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири маслаҳатчиси:



– Биз бағрикенг халқмиз. Барча ёзишмалар, ҳисоб-китобларнинг ҳеч қандай истисноларсиз давлат тилида олиб борилишини талаб қилиб ўтирмаймиз, юридик шахслар ўртасида тузилган давлат тилида бўлмаган шартномаларни бекор ҳам қилмаймиз. Минг афсус билан айтиш керакки, ҳар қанча ҳаракат қилинмасин, қатъий чора-тадбирлар белгиланмасин, барибир хат-ҳужжатларни ҳалигача рус тилида юритаётган вазирлик ва идоралар мавжуд.

Президент қарорига кўра

Ёшлар билан ишлашнинг вертикал тизими

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йил 19 январь куни "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор имзоланди. Ушбу қарорга асосан, ёшлар билан ишлашнинг "маҳалла - туман - вилоят - республика" бошқарув тизими яратилади. Шу мақсадда маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий қилинди.

Маҳалладаги ёшлар ишлари агентлиги вакили лавозимининг жорий этилгани эндиликда давлат ва жамият ўртасида яна бир муҳим кўприкнинг пайдо бўлганини, ҳар бир маҳаллада Президентнинг ёшлар манфаатини ҳимоя қилувчи ишончли вакили борлигини аниқлади. Ёшларга оид давлат сиёсатини кўйи бўғинда ҳам ҳар бир маҳаллада, ҳар бир хонадонга кириб боришни таъминлашда, худди шу тизимда уларнинг муаммоларини аниқлаб, тизимли ҳал қилишда катта куч бор.

Етакчилар ўзига бириктирилган маҳаллаларда фаолиятини маданият, санъат ва китобхонликни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни омаллаштириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, тадбиркорлик голярини қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишларда амалга оширади. Қўшимча тарзда 13 турдаги ёрдам ёшлар етакчисининг тавсиясига биноан берилди.

Етакчилар миллий кадрлар захирасига киритилади. Бу эса иш фаолияти давомида юқори натижаларга эришган етакчиларнинг танловсиз, тўғридан-тўғри юқори лавозимларга кўтарилиш имконини яратди.

Диёрбек АКБАРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги "Ёш маслаҳатчилар" кенгаши раиси ўринбосари.

2022 йил 20 майда Президентимизнинг "Доривор ўсимликлар хомашё базадан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва "Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларга асосан, кейинги тўрт йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ўрмон фонди ерларида доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш учун ер майдонлари ажратилади.

Йилловларда коврак етиштириш, туманлар "Бир туман - бир маҳсулот" тамойили асосида доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослаштирилади. Бунда қизилмия, заъфарон, каврак, лаванда, стевия, мойчечак, наъматак, равоч, маврак, далачай, тоғрайхон, бўймадарон, кийик ўти, ковул, қалампир ялғиз ва бошқа доривор ўсимликлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Яратилаётган ҳар 10 гектар майдондаги доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларига сув чиқариш учун қудуқ қазий, насос станцияси қуриши, сув тежовчи технологияларни қўллаш шarti билан ҳар бир метри учун 600 минг сўмдан, аммо 120 миллион сўмдан ошмаган ҳолда боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси орқали субсидия ажратилади.

- 2022 йил 1 июндан бошлаб қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 100 миллиард сўм маблағи ҳисобидан маҳсулот етиштирувчиларга имтиёзли кредитлар ажратилаётган бўлди, - дейди вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси доривор ва зиравор ўсимликларни ривожлантириш бўлими мутахассиси Акмал Бердиқулов. - 2025 йил 1 январьгача доривор ўсимликларни етиштиришдан олган даромади жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари

Доривор ўсимликлар етиштириш - даромадли иш



бўйича жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этадиган тадбиркорлардан олинмаган ер солиғи, фойда солиғи ва мол-мулк солиғи ставкалари 50 фоизга камайтирилади, уларга божхона имтиёзи берилди. Доривор ўсимликлар хомашёси ҳамда ундан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар, эссенциялар ва экстрактларни хорижга сотувчи тадбиркорларнинг экспорт учун сарфланган ташиш харажатларининг 50 фоизгача қисми Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади. Бу имтиёзлар соҳани ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, хомашёни қайта ишлаш ва экспорт қилувчилар учун катта имкониятлар яратди.

Вилоятимизда Ургут туманидаги "Кўёшли узумзори", "Ақбаршоҳ Абубакир келажоғи", Каттакўрғон туманидаги "Кенжа бобо" фермер хўжаликларига сассик коврак ва Қўшработ туманидаги "Алихан органик агро LLC" маъсуляти чекланган жамияти ингичка баргли лаванда етиштирилади. - Хўжалигимиз тасарруфидоги 44 гектар майдонда сассик коврак етиштиришимиз, - дейди Ургут туманидаги "Кўёшли узумзори" фермер хўжалиги бошлиғи Равшан Ҳасанов. - 7 йилда ҳосил берадиган бу ўсимликни аввал оддий усулда экардик. Эндиликда тажрибалардан келиб чиқиб, кўчат тайёрлаган ҳолда экишни йўлга қўйдик. Бу ўсимлик қиш фаслида экилади ва баҳорги ёмғир мавсуми - март-апрель ойларида ўсади, май ойида ўсишдан тўхтабди. Ёгингарчиликка боғлиқ бўлганлиги учун шу икки ойда ўзига керакли намликни йиғиб олади, агарда баҳорда ёгингарчилик кам бўлса, ўсиш даври тўхтаб қолади. Сувсизликка жуда чидамли бўлган бу ўсимликнинг ривожланиши ёмғирга боғлиқ. Президентимизнинг

қарорлари билан доривор ўсимликлар етиштириш учун хўжаликларга сув тежовчи технологияларни жорий этганда, имтиёз берилиши ҳам бежиз эмас. Чўнки бу ўсимликни сувсиз етиштириш мушкул.

Бу ўсимликнинг ҳар бир гектаридан 500 килограмдан ҳосил олинади ва килограмми 50-300 долларгача сотилади. Ўтган йил 500 килограмм коврак ширасини қадоқлаб, Ҳиндистонга экспорт қилишни бошладик. Улар эса бундан асосан зиравор сифатида фойдаланишмоқда. Аслида бу ўсимликнинг пояси, барги, уруги, танасидан катта даромад олинади. Ҳосили инсондаги яралар, ўпка касалликлари, саратон, аёллар касалликлари ва бошқа дардларга даво бўлади. Яқинда Ҳиндистондан ҳосилни экспорт қилишни кенгайтиришга кўмаклашувчи лаборатория олиб келдик, улар яна кўшма корхона очиб тақлифини ҳам билдиришди.

Ҳозирда Афғонистон, Покистон, Европа давлатларидан ҳам коврак экспорти бўйича таклифлар тушяпти. Фақат давлат стандартларидаги тафовутлар туфайли экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтиришда бироз тўсиқлар кузатиляпти.

Бу йилдан 0,5 гектарда ковракнинг Қўҳистон нави тажриба учун етиштиришни бошладик. Тажрибадан келиб чиқиб, кўчат тайёрлаш, ҳосил олиш мuddатини қисқартириш, қайта ишлаш, ёгингарчилик кам бўлган мавсумда сув тежовчи воситалар ёрдамида сугориш, асосийи, қайта ишлаш технологияларини ўзлаштирялмиз.

Давлатимиз раҳбарининг қарор ва фармонлари билан соҳа субъектларига қатор имтиёзлар берилди. Бу эса соҳа ривожини ва экспорт ҳажмининг ортшига хизмат қилади.

Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Асосан мева, сабзавот шарбатлари ишлаб чиқарувчи ҳамда ушбу маҳсулотлар экспорти билан шуғулланувчи "Агромир" МЧЖ нафақат вилоятимизда, балки республикамизда ҳам ўз ўрнига эга корхоналардан ҳисобланади. Бугунги кунда корхона маҳсулотлари Хитой, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон, Туркменистон каби давлатларга экспорт қилиняпти.



"Агромир" МДХ Иқтисодий кенгаши мукофоти совриндори бўлди

Яқинда ушбу корхона маҳсулот ва хизматлар сифати соҳасида эришилган ютуқлари учун МДХ Иқтисодий кенгаши томонидан таъсис этилган танловда голиб бўлди. Таъкидлаш лозимки, ушбу танловда юртимиз корхоналари биринчи марта иштирок этияпти ва биринчи иштирокидаёқ совриндор бўлди.

Икки йилда бир марта маҳсулотлар ва хизматлар сифати соҳасида эришган ютуқлари учун ташкил этиладиган ушбу танлов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлардаги корхоналарнинг юқори сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришини рағбатлантириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, шуниингдек, жаҳон бозорига ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайди. Танлов голиби соврин логотипидан уч йил давомида маҳсулотларини ёрликлашда реклама мақсадларида фой-

даланиши мумкин бўлади. Бу, албатта, ушбу корхонанинг кейинги истиқболда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугун корхонада маҳсулот тури ва сонини кўпайтириш устида изланишлар олиб бориляпти. Бу орқали қўшимча иш ўринлар яратилиб, экспорт географияси ошишига эришиляпти. Ҳозирда корхонада тўрт юз нафардан ортиқ доимий, тўрт юз нафарга яқин мавсумий ишчи ишляпти.

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги давлат назорати департаменти вилоят бўлими ва корхона ўртасида тизимли алоқалар ўрнатилган бўлиб, корхонага доимий равишда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Парвиз ШАВКАТОВ, агентликнинг вилоят бўлими бош мутахассиси.

Беморлар кўзига нур бағишлаб

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан яқинда Иштихон туманида мақсадли скрининг текширувлари ва юқори технология жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Аҳоли хирург, педиатр, онколог, офтальмолог, инфекционист, уролог, акушер-гинеколог, ЛОР сингари йигирмага яқин тор соҳа мутахассисларидан зарур тиббий маслаҳат ва тавсиялар олди.



Жумладан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали офтальмологлари ижтимоий кўмакка муҳтож 42 нафар беморни кўриқдан ўтказди. 9 нафар беморда мураккаб жарроҳлик амалиёти бажарилди.

- Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан очиб мулоқотида берилган топшириқлар ҳамда тиббиёт соҳаси бўйича кейинги қабул қилинган қарорлар асосида маҳаллабай, хонадонма-хонадон юриб, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилаямиз, беморларни аниқлаб, уларга зарур ёрдам кўрсатаямиз, - дейди Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали бош врачлари Ботир Тўхтаев. - Мазкур тизим асосида шу пайтгача Қўшработ туманида ижтимоий кўмакка муҳтож 2 нафар беморда, Пайарик ва Нурабодда 7 нафардан, Булунғур ва Каттакўрғон туманларида 6 нафардан, Нарпайда 5 нафар, Тойлоқ ва Пахтачи туманларида 4 нафардан, Ургутда 2 нафар беморда юқори технология жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Шунингдек, ушбу туманларда ўтказилган кўриқлар натижасида 300 нафардан ортиқ беморни даволаш чоралари кўрилди. Ушбу ҳафта якунида шундай кўриқ Оқдарё туманида ташкил этилади.

Бундан ташқари, филиалнинг ўзида ҳам маҳаллалардаги ижтимоий дафтарларда рўйхатда бўлган 21 нафар бемор бепул операция қилиниб, саломатлиги тикланди. Вилоят Кенгаши депутатларининг буюртмалари асосида, маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилган ҳолда 9 кишида мураккаб жарроҳлик амалиёти бажарилди.

- Болалигимдан битта кўзим кўрмайди, - дейди қўшработлик қирқ ёшли М.Қурбонов. - Ёшлигимда ота-онам шифокорларга мурожаат қилган. Аммо буни даволаб бўлмайдими, деганларидан кейин тақдирга тан берганмиз. Яқинда ноғиронлик қоғози учун мазкур шифохонага келганимда, врачлар кўриқдан ўтказиб, рози бўлсангиз, кўзингизни операция қиламиз, хира бўлса ҳам кўра бошлайсиз, деганида аввалгига ишонмадим. Лекин уларнинг қатъий ишонч билан гапириши кўнглимда умид уйғотди ва операцияга рози бўлдим. Худога шўкр, операциядан кейин кўзим очилди, дунёни бора ранларда кўра бошладим. Шифокорлардан миннатдорман!

Филиалда жорий йилнинг дастлабки уч ойида 1277 нафар бемор даволанди. 442 нафар беморда 30 турдан зиёд юқори технология жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

- Тўғриси, шу пайтгача ҳам касаллар кўп мурожаат қилса-да, замонавий тиббий ускуналаримиз йўқлиги сабабли оддий операцияларни ҳам ўтказиш имкониятига эга эмас эдик, - дея сўзида давом этди Б.Тўхтаев. - Шунинг учун беморлар Тошкентга ёки хорижга боришга мажбур эди. Энди эса ҳар қандай ҳолатдаги беморларни даволаш, юқори технология операцияларни ўзимизда бажара оламиз. Ўтган йил вилоят маҳаллий бюджетдан ажратилган 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига хориждан 5 та замонавий тиббий аппарат олиб

келдик. Ўз маблағимиз ҳисобидан энг сўнгги русумдаги микроскоп ва лазер ускуналари, лаборатория жиҳозлари келтирдик. Натижада операция блокларимиз 6 тага етди. Айни пайтда Япония элчихонаси гранти асосида 73 минг долларлик иккита янги операцион кўрилма олиб келямиз. Яқин орада бу жиҳозимиз ёрдамида яна кўплаб кўз хасталикларини самарали даволашга эришамиз.

Муассасага хориждан замонавий тиббий ускуналар келтирилиши баробарида чет элдан мутахассислар ҳам чақрилиб, ходимлар билан ҳам малакаси оширилмоқда. Ҳамкорликда жарроҳлик амалиётлари ўтказиляпти. Жорий йилнинг июль ойида филиалда Ҳиндистонлик жарроҳлар билан биргаликда тўр парда кўчириб ўтказиш операцияси амалга оширилади. Шундай амалиётни америкалик шифокорлар билан ҳамкорликда бажариш ҳам кўзда тутилган.

Лекин бу билан чекланмаган ҳолда филиал ходимлари ҳам хориждаги клиника ва тиббий марказларда малака ошириб, ўқув курсларида ўқиб келмоқда. Йил бошидан буюн ўн нафардан ортиқ врач Россия, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда шундай малака ошириш курсларида қатнашди.

- Бўлимимизда кунига беш-олтита операция қиламиз, - дейди филиал микрожарроҳлик бўлими бошлиғи Фаёзжон Саидалиев. - Барчаси замонавий технологиялар асосида амалга оширилади. Шунинг учун беморларимиз икки-уч кунда соғлигини тиклаб, уйига қайтади.



- Кўзим кўрмай қолгач, ўтган ҳафта шифохонага келиб, текширувдан ўтганимда операция қиламиз, дейишди ва уйда қабул қилиш учун бир-иккита дори ёзиб беришганиди, - дейди оқдарёлик фахрий ўқитувчи Ислам Яхшиев. - Айтилган вақтда, кеча келдим ва 15 дақиқа операция қилишди. Қўзларим яна кўра бошлади. Ишонини қийин, лекин бу ҳақиқат.

Ҳа, бу баландарвоз гаплар эмас. Бу кейинги пайтда тиббиётдаги янгилик ва ўзгаришлар, тиббий муассасаларнинг замонавий жиҳозлар ва юқори малакали мутахассислар билан таъминланиши самарасидир.

Ҳ.ҲАСАНОВ, А.ИСРОИЛОВ (сурат).

14 июнь - Бутунжаҳон донорлар куни

СИРЛИ ҚАҲРАМОН

- Икки фарзандимнинг ҳаёти донорлар топшираётган қонга боғлиқ, - дейди Феруз Давронов. - Иккаласи ҳам талассемия касаллиги билан оғриган, мунтазам қон қуйиб турилишига муҳтож. Мана, 13 йилдирки, донорларга таянамиз. Улардан миннатдоримиз.

беморлари жамоат фондиди ташкил этди. Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Р.Қобилов сўзга чиқиб, беғараз донорликнинг аҳамияти, мазкур ҳаракат туфайли ҳаёти сақлаб қолинаётган беморлар ҳақида тўхтади. Донорлик акцияларини янада кенгайтириш, жараёнда фуқаролар фаоллигини ошириш лозимлиги таъкидланди.

- Вилоятимиздаги шифохоналарга ҳар йили 12,5-13 тонна қон компонентларини тайёрлаб берамиз, - дейди вилоят қон қуйиш маркази бош шифокори Рофе Алиев. - Бунда бизга давлат ва жамоат ташкилотлари яқиндан кўмак беради. Хусусан, прокуратура, божхона ва ички ишлар органлари ходимлари, ҳарбийлар орасида донорлар жуда кўп. Охириги вақтда донор бўлиш ташаббуси билан чиқарилган оддий фуқаролар сонини ҳам ортиб бормоқда.

Сана муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғи асосида икки нафар самарқандлик донор - Абдусалом Жалилов ҳамда Элмира Степанова "Ўзбекистон Республикаси фахрий донори"



кўкрак нишони билан тақдирланди. Шунингдек, бир қатор фаол донорлар ва шифокорларга ҳам ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди. - Бугунгача беғараз донор сифатида 61 марта қон топширдим, - дейди "Ўзбекистон Республикаси фахрий донори" кўкрак нишони соҳибни Абдусалом Жалилов. - Мен учун донорлик - одамларга яхшилик қилиш усули. Кимнингдир дардига шифо бўлгани, ҳаётини сақлаб қолганимнинг ўзи менга мукофот. Бошқаларини ҳам донорлик ҳаракатиغا қўшилишга, яхшилик қилишга чақираман.

А.ОРЗИҚУЛОВ.

Самарқанд давлат тиббиёт университети биринчи клиникасининг рентген радиология бўлимига 3,5 миллион АҚШ доллари эвазига тиббий аппаратлар келтирилди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур бўлимнинг иш бошлаши касалликларни эрта аниқлашга имкон беради. Бош мия, буйрак, бош мия МРТ диффузияси каби мураккаб ва муҳим диагностика аҳамиятга эга бўлган текширувлар амалиётга жорий этилди.

## Замонавий ускуналар янги имкониятлар яратди

- Ҳозирги кунда бўлимига МРТ ва МСКТ ҳамда рақамли рентген, шунингдек, беш дона ультратовуш аппаратлари берилди, - дейди бўлим бошлиғи Обид Ҳамидов. - Бундан ташқари, клиникада телемедицина фаолияти йўлга қўйилди. Туман тиббиёт бирлашмалари билан боғланиш, ўзаро тажриба алмашиш имконияти яратилди. Тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда. Яқинда университетда ўтказилган "Нурли диагностика ва даволашнинг янги технологиялари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция айна шу масалага бағишланиб, унда радиология соҳасининг ютуқлари ва келгусидagi режалар ўртага ташланди. АҚШ, Германия, Япония, Австрия, Бангладеш, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон радиологлар жамияти аъзолари ва етакчи тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, соҳа мутахассислари иштирок этган анжуман тажриба алмашиш учун яна бир имконият бўлди.

Нозигул РУСТАМОВА.

# Болалар билан боғлиқ жиноятлар нега кўпайган?

Хорижий мамлакатларда болани уриш, ҳақорат қилиш мумкин эмас. Кўпинча Америкадаги юртдошларимиздан бу ҳақда эшитиб қоламиз. Америкада мактаб ўқитувчиси ҳар бир боладан оила муҳити, ота-онаси ҳақида суриштирар экан. Агар бола ота-онаси уйда ураётгани ёки уришаётгани ҳақида айтса, қонун ҳимоячилари томонидан бола ота-онадан олиб қўйиларкан. Ҳўш, бизда-чи? Бизда ҳам бола ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида кўра, бола ҳуқуқларининг кафолатларини ошириш бўйича қонунчилик базаси янада такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди. Воёга етмаганларни меҳнатга маъ-

мурий тарзда мажбурлаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди, тарбия муассасаларини тамомлаган ўй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тураржой билан таъминланди. Шу билан бирга, болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асослари ҳам тубдан такомиллаштирилди.

Жумладан, болаларнинг жиноий жавобгарлигини янада либераллаштириш мақсадида воёга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш ёши

ўн уч ёшдан ўн тўрт ёшга қўтарилди, болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилди.

Бундан ташқари, суд-тергов жараёнида бола ҳуқуқларининг процессуал кафолатларини кучайтириш чоралари кўрилди. Жумладан, воёга етмаган жабранувчи ёки гувоҳни сўроқ қилишнинг умумий давомийлиги кун давомида дам олиш ва оқватланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда, 4 соатдан ошмаслиги белгиланди, воёга етмаган шахсни сўроқ қилишда тарафларнинг ташаббусига кўра, психолог иштирокини таъминлаш тартиби ўрнатилди.

Афсуски, шунга қарамай, болаларга бўлган жинсий, руҳий, жинсий зўравонлик ҳолатлари учраб турибди. Қайд этилишича, 2021 йилда Ички ишлар вазирлигига одам савдоси билан боғлиқ 840 та муурожаат келиб тушган. Жиноят кодексининг



135-моддаси бўйича 162 та одам савдоси жиноятлари аниқланган. Шунингдек, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилишга доир 338 та жиноят аниқланган. Одам савдосига оид содир этилган жиноятлар бўйича 195 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Ушбу жиноятларнинг 55 таси чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятлардир.

2021 йилда воёга етмаган шахслардан шахвоний мақсадларда фой-

даланиш ҳолатлари 2020 йилга нисбатан қарийб икки баравар кўп аниқланган бўлиб, ушбу ҳолатлар асосан Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қайд этилди. Шаҳвоний мақсадларда содир этилган жиноятдан 120 нафар аёл жабранланган. 20 нафар ўғил ва 27 нафар қиз бола чақалоқ савдоси жабрдидаси бўлган. 2021 йил давомида чақалоқ савдоси билан боғлиқ 55 та жиноят аниқланган бўлиб, 73 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Аслида ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳимоя қилиш замирида ҳаётни, унинг давомийлигини асраб-авайлаш моҳияти ётади. Улар тўғрисидаги ҳар қандай гамхўрлик эса юрт равнақи учун қўйилаётган мустаҳкам пойдевор демакдир. Донишмандлардан бири "Миллатнинг келажagini болаларига қараб аниқлаш мумкин", деган эди.

**Нилуфар АҲАДОВА,**  
Самарқанд вилоят юридик техникуми жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири,  
3-даражали юрист.

ўрғанади. Барча текширувлардан ўтгач, фуқарога хусусийлаштириш ҳақида хабарнома юборилди ва талабгор тўловни амалга оширади.

### ЕРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ УЧУН ҚАНЧА МАБЛАҒ ТўЛанади?

Давлат хизматлари кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорда йиғим ундирилади. Шу билан бирга, ер участкасини хусусийлаштириш учун дифференциал тўлов ундирилади.

### БУ ҚАНДАЙ Ҳисобланади?

Барчамиз ер участкасига ер солиғи тўлаймиз. Мулкдорлар учун хусусийлаштириш тўлови ер участкасига ҳисобланган солиқ миқдорининг 20 баробари деб белгиланган.

Масалан, агар фуқаро битта ҳовлига йилга 100 миң сўм солиқ тўласа (бунда мол-мулк солиғи қўшиб ҳисобланмайди, айнан ер участкасига тўланадиган солиққа нисбатан ҳисобланади), хусусийлаштириш учун 2 миллион сўм тўлов амалга оширилади. Шундан сўнг давлат ордери берилди. Ушбу ордер асосида кадастр органлари ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказди.

Ҳар бир жинсий ва юридик шахс ўзига тегишли бўлган ер участкасини фақат ўзи сотиб олади. Бу аукционга қўйилмайди ва бошқа одам сотиб олиши ёки бошқа одамга ўтиб кетиши мумкин эмас.

### С.СУЛТОНОВ, Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи.

## Аграр соҳа магистрлари Германияда амалиёт ўтамоқда

### Бугун талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш ҳамда иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

- Президентимизнинг талаба ёшлар бандлигини таъминлаш борасида берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида филиалимизда мавжуд бўш иш ўринлари ҳамда олиб борилаётган илмий ва стартап лойиҳаларга 60 дан ортиқ талаба-магистрантларни ишга қабул қилдик, - дейди Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали директори Шавкат Ҳасанов. - Бугунги кунда филиалнинг 9 нафар магистри Германиядаги қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштирувчи ва қайта ишловчи етакчи кластерлар ва ҳўжалиқларга иш ҳақи тўланадиган 6 ойлик, 3 ойлик стажировкага юборилган. Стажировкаларни ташкил қилишда республикада нисбатан янги тармок ҳисобланган ва кадрлар танқислиги мавжуд бўлган доривор экинларни етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда гулчилик соҳаларига эътибор қаратилди.

- Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманиданман, - дейди филиалнинг 2-босқич магистри Мирмуҳсин Нуралиев. - Айни вақтда Германияда JD East дастури орқали ташкил этилган 6 ойлик қишлоқ ҳўжалиги амалиётини ўтамоқдаман. Амалиётни Германиянинг яшил юраги номи билан дунёга машҳур Thüringen бундесландида жойлашган "FuB Hopfenbau" агрокластерида курсдошларимиз Ҳаётжон Абдуллаев, Достон Бердимуродов ва Соҳибжон Ниёзов билан биргаликда олиб бормоқдамиз.

Норфен ёки хмел ўсимлиги - дунёда кам тарқалган кўп йиллик доривор ва техник ўсимлик ҳисобланади. Биз стажировка ўтаёт-

ган ҳўжаликда ушбу ўсимлик 200 гектардан зиёд майдонда етиштирилмоқда. Ўсимлик агротехникаси, яъни экинни парваришлаш, сув тежовчи технологиялар асосида суғориш, касаллик ҳамда зараркундалардан ҳимоя қилиш, ҳосилни йиғиш, қодоқлаш каби тадбирларни ўрганилади.

- Биз айни дамда олийгоҳимиз томонидан Германия давлатига ҳақ тўланадиган 3 ойлик амалиёт ўташ учун келганмиз, - дейди филиалнинг 1-босқич магистри Сайёд Сайфиев. - Германиянинг Dusseldorf шаҳридаги гулчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган "Becker Gartenbau Gbr" хўжалигида тажриба ва билимларимизни курсдошим Элёр Нортшоев билан биргаликда оширмоқдамиз. Ушбу ҳўжаликда бугунги кунда юз турдан ортиқ гуллар етиштирилиб, парваришланмоқда. Хўжаликда етиштирилаётган гуллар бутун Европа бўйлаб экспорт қилинади. Айниқса, Лаванда етиштириш ва парваришлаш бизда катта қизиқиш уйғотди. Бу экинни етиштиришга европаликлар алоҳида эътибор қаратади. Хўжаликда бу каби ўсимликларни етиштириш билан бир қаторда, унинг маркетинги билан ҳам қизиқиб, гул бозорларини ўрганимоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги "Республика ҳудудларида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарори билан 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларида гулчилик магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиши белгиланган бўлиб, янги ўқув йилидан филиалда ҳам гулчилик бўйича магистрлар тайёрла-ниши режалаштирилган.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

### Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги "Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори билан жинсий ва юридик шахслар ўзларига тегишли ер участкаларини хусусийлаштириши мумкин бўлди.

## Ер участкаларини кимлар хусусийлаштириши мумкин?

Шу пайтга қадар фуқароларга тегишли ўй-жойлар жойлашган ер участкалари, мерос қилиб қолдирилган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқига эришган ерлар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган нотуражой объектларининг ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилар эди. Яъни, бино ўзингизга тегишли бўлса ҳам, ер давлатники эди. Энди мана шу ер участкаларини хусусийлаштириш учун жинсий ва юридик шахслар Давлат хизматлари марказлари ёки my.gov.uz орқали онлайн муурожаат қилишлари мумкин. Келиб тушган ариза Кадастр агентлиги ва қурилиш бўлимига йўналтирилади. Кадастр бўлими ер участкасининг ариза берган фуқаро номига расмийлаштирилганини текширади. Бунда ўша ер участкаси ўзгармагани, бугунги кунда ҳам реестрда мавжудлиги, тақик ва чекловлар йўқлиги, хуллас, хусусийлаштиришга монелик қилмайдиган томонлари текшириб чиқилади.

Қурилиш бўлими эса ер участкаси ҳудудининг шахарсозлик меъёрларига мос келишини

моқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-ўй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Ахтамов Бозорга (2007 йил 29 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-ўй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Исмаилова Зулфияга (1980 йил 30 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолддин Мухиддинович нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-ўй.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасида марҳум Шакаргов Адашга (2005 йил 16 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 76-ўй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Истамов Солежон Хотамовичга (2019 йил 19 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-ўй.**

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норматов Мурод Тўйчиевич нотариал идорасида марҳум Зайниддинов Хусниддин Исомиддиновичга (2021 йил 21 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норматов Мурод Тўйчиевич нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Андижонни маҳалласи.**

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Паст Даргом туманидаги 98-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Норхурозова Севара Бахтиёр қизи номига берилган UM № 0525864 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги "Қаршибоев Шуҳрат даласи" фермер ҳўжалигининг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги "Қаршибоев Дўсёр замини" оилавий корхонасининг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабидан 2018 йилда Расулбердиева Ирода Пахлавонов қизи номига берилган U № 8374045 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатномани иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд темир йўл транспорти касб-хунар коллежидан 2020 йилда Толибова Бону Пулот қизи номига берилган рўйхат рақами 228, К № 5895969 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Айтубов Хусниддин Кудлошович номига берилган O'R-A № 1463437 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Даргом туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Бердиева Сураё Уриновна номига берилган O'R-A № 1088289 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Даргом туманидаги 45-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Хамдамов Ақобир Шербек ўғли номига берилган UM № 0153067 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 38-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Жабборов Фирдавжон Уйғун ўғли номига берилган UM № 0960141 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

### ДАЪВОЛАР Бўлса...

Нуробод тумани Давлат хизматлари марказидан 2005 йилда 113 реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган "NUROBOD TA'SIS SAVDO" маъсулияти чекланган жамияти (қисқартirilgan номи: "NUROBOD TA'SIS SAVDO" МЧЖ) жамият иштирокчиларининг 2022 йил 8 июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан ихтиёрли равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Нуробод тумани, Ёшлар кўчаси, 1-ўй.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификация рақами (СТИР): 205779334.

Ургут туманидаги "JASUR BLESSING BUSINESS" маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 305165566) ўзининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари (актив ва пассивлари) билан унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган "URGUT DIYOR TEXTIL" маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 306817504) таркибига бириштирилмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Ургут тумани "Гулистон" МФЙ, Бинокор кўчаси, 29-ўй.**

Ургут туманидаги "MAXMUDOV BAROKOT BIZNES" маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 302096472) ўзининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари (актив ва пассивлари) билан унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган "BEKZOD UMAR MAHMUDOVLAR" маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 309646794) таркибига бириштирилмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Ургут тумани "Дўстлик" МФЙ, Тадбиркорлар кўчаси, 13-ўй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Умурзаков Норалига (2011 йил 15 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очил-

моқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-ўй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Ахтамов Бозорга (2007 йил 29 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-ўй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Исмаилова Зулфияга (1980 йил 30 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолддин Мухиддинович нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-ўй.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасида марҳум Шакаргов Адашга (2005 йил 16 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 76-ўй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Истамов Солежон Хотамовичга (2019 йил 19 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-ўй.**

Ўрта мактабнинг учинчи ёки тўртинчи синфида ўқирдим. Дам олиш кунларининг бирида отам укаларим ва мени ёнига ўтказиб, ўзбек халқ ижоди дурдоналаридан бири бўлган "Муродхон" достонини ўқиб, уни содда тилда тушунтириб берди. Ушанда достондан олам-олам руҳий озиқ олиш билан бирга, китобга меҳримиз янада ошган-ди. Эртасига мактабга бориб, синфдошларимга отам ўқиб берган достоннинг мазмунини айтиб бердим. Муродхоннинг ёвуз дев билан урушиб, уни ўлдиргани, халқни душмандан халос этганини ҳикоя қилганимда синфдошларимнинг ҳам қизиқиши ортиб, дам олиш кунлари бизникига келадиган бўлишди.



# Ўтпор Қашқадарёдами?

Ўқимаслик ёки ўқмасликнинг оқибасти хусусида

Отим эринмасдан бисотидаги "Рустамхон", "Гулихиромон", "Балогардон", "Гўрўғли", "Тоҳир ва Зухра" достонларини ўқиб, мазмунини содда тилда тушунтириб берарди. Шундан сўнг отам ана шу достонлар кўзидан савол-жавоблар уюштирарди. Айнан шу услуб орқали билимимиз кундан-кунга ошиб борарди. Бундан ташқари, уйимизда "Рекорд" номли патефон бўлиб, унинг ёрдамида бир қанча машҳур ҳофизлар ижро этган мумтоз ашулалар, достонларни тинглардик. Айниқса, шанба, якшанба кунларини интизорлик билан кутардик. Чунки шу кунлари отам Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Умаров, Комилжон Баротов, Зайнаб Полвонова, Берта Давидова, Кувондик Искандаров, Ҳожихон Болтаев каби мумтоз ҳофизлар грамластинкасини кўйиб, кўшиқлар эшитишга даъват қиларди. Машҳур бахши Рўзимбек Муродов ижро этган "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонини қайта-қайта эшиттирарди. Ҳатто такрор-такрор эшитганимиздан бу достонни ёдлаб ҳам олгандик. Кейинчалик кўни-кўшини болалар китобни, мусиқани, пластинкада кўй-қўйиқ эшитишни яхши кўриб қолдик. Туғилган кунларимизда бир-биримизга бадиий китоблар, мумтоз ҳофизлар кўшиқлари билан тилла пластинкалар совға қилиш

анъанага айланганди. Бугун ўқувчи-ёшлар дўконлардан китоб сотиб олиш у ёқда турсин, мактабдаги кутубхоналарга бир "мўралаш"ни исташмаётми. Ахир, оила даврасида ёки тенгдошлар билан китобхонлик, мусиқа тинглаш, чолғу асосблариде миллий куйлар чалиш, турли мавзулар юзасидан баҳс-муноза-рала ўтказиш, шубҳасиз, боланинг фикр доирасини кенгайтиради. Бунинг учун ота-она ҳам маънавиятли-маърифатли, китобни жон дилидан севувчи инсонлар бўлиши лозим. Иш юзасидан мактабларнинг бирида бўлдиқ. Катта танаффус пайти экан. Ўйнаб юрган болалардан "Навоий ким?" деб сўрадик. Улардан бири "Навоий ёзувчи-да", деб жавоб берди. "Чўлпон ва Фитратнинг қайси асарини ўқиган-сиз?", деган саволимиз жавобсиз қолди. Ўқувчилар дутор билан рубобнинг, мударрис билан муаллимнинг, мадраса билан макбаранинг фарқи бормаганидек, шоир билан ёзувчининг ҳам фарқи бормади. Кўп йиллик тажрибамдан маълумки, бола тарбиясида ва маънавиятида ота-онанинг роли катта. Ўқимашли оилаларда тарбияланган ўқувчилар билан ишлаш анча енгил бўлади. Бундай болалар кувнок, зийрак, китобга чанқоқ,

жамоа билан чиқишадиган, ҳар қандай топшириқни ўзининг бурчи деб биладиганлар тоифасига мансуб. Афсуски, айрим оилаларда ўсаётган болалар ҳаддан ташқари эрка ва ўзбошимча. Бир танишим кўп йиллар Самарқанд туманидаги мактабларда ишлаб, айни пайтда қарилик гаштини сурмоқда. Сўхбатлари ниҳоятда дилқаш. У билан гаплашган киши роҳат қилади, завкланади. Унинг хонадониде бир неча марта бўлганман, уй кутубхонасидаги китобларидан фойдаланганман. Муаллим кўплаб бадиий асарларни ўқиган, мутулаа қилган китоблари мазмунини қишлоқдошларига ҳам сўзлаб беради. - Айрим ўқитувчиларнинг билимсизлигидан ранжийман, - дейди муаллим. - Пенсияда бўлсам ҳам ҳалигача китоб ўқийман. Бир кун мен ишлаган мактабда Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда тарих ўқитувчининг маърузасини тингладик. Анжуман тугагач, ўқитувчидан "Амир Темур Утрорда вафот этган, дедингиз. Утрор қаерда?", деб сўрадим. Ўқитувчи ўйлаиб туриб, "Қашқадарёда", деди. Мана, сизга мутахассиснинг ўз фанига бўлган муносабати.

Олимжон ҒАФУРОВ, меҳнат фахрийси.

# ИЖТИМОЙ ТАРМОҚДА ВАҚТИМИЗ ҚАНДАЙ ЎТЯПТИ?

Ҳозирги кунда ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Эрта тонгда уйғонганимиздан телефонни қўлга олиб, ижтимоий тармоқдаги саҳифаларимизни кўздан кечиришимиз. Уйкуга кетишдан олдин ҳам худди шундай. Умуман, ёшимиз, касбимиз, ижтимоий мақомимиздан қатъи назар, бўш вақт топилди дегунча мессенжерларда ёзишиш, тармоқлардаги янгиликларни ўқиш, пост ёзиш ва муҳокама қилиш билан банд бўламиз. Айниқса, ижтимоий тармоқларда оммага ҳавола этилаётган бемаъни, бачкана савол ва муножаатлар кенг муҳокама қилиниб, салбий сўзлар ҳам кўп ишлатилади.

ва видеоларни тарқатиб, ўзича "лидер" ва "юлдуз" бўлганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Ҳаттоки, уларнинг ҳар бир иши, гапини тасдиқлаб, жойлаган бемаъни постю расмларига "лайк" босадиган тарафдорлари ҳам топилади. Ишонмасангиз, интернетда машҳур бир танишингиз ёзган бачкана пост ёки бирон бир бемаъни суратга "лайк" босиб,

## ИНТЕРНЕТ ҲАР ҚАНДАЙ МУАММОНИ ЁЗАДИГАН МАЙДОН ЭМАС

Кузатган бўлсангиз, ижтимоий тармоқларда муаммоларни ҳал қилиш учун турли канал ва гуруҳлар ташкил этилган. Бу яхшидир балки. Аммо уларда шахсий ва оилавий муаммолар ҳаёсизларча, очикчасига оммага ҳавола этилаётганига нима дейсиз?!

Ана шундай постлардан бирини мисол келтираймиз:

"Ёшим 21 да. Онам билан яшайман. 5 йил олдин ота-онам ажрашган. Отам бошқасига уйланди, онам эса ҳозиргача турмуш қурмагани. Энди онамга совчи келяпти. Мен онамнинг турмуш қуришига рози бўлмаяпман. Чунки онам ҳам севганим билан бахтли бўлишимни истамайди. Қандай йўл тутишни билмаяпман, нима маслаҳат берасизлар?"

Постни ўқиб, муаммони кўтариб чиққан кишининг ақлига "тасанно" айтасан, киши. Билдирилган муносабат ва маслаҳатларини эса айтишга тил, ёзишга қўл бормайди. Айтинг-чи, оилавий муаммоларни интернетда тарқатиб, бегона кишиларнинг фикри билан уларни ҳал қилиш қанчалик тўғри?

## МАНЗИЛИНГНИ ЁЗ, ЭРКАКЧАСИГА ГАПЛАШАМИЗ

Интернетда оғрикли масалалардан бири гуруҳларда рақибни доғда қолдириш, яъни тортишув ва муҳокамада ғолиб чиқиш. Бу жараёнда онлайн айтишувлар билан қоникмаганлар рақибини яқкама-яқка олишувга тақлиф этади.



## "БЕКОРЧИЛАР" ОЧГАН ГУРУҲДАН БИР МИСОЛ:

- "- Гуруҳпада "Қирол" профили кимники?
- Меники, нима эди?
- Кимсан, қаердансан, нега гуруҳда анчадан бўён сўкиняпсан?
- Истаганимни қиламан, нима ишинг бор?
- Тушунмадим.
- Тушунчанг паст.
- Манзилингни ёз, эркакчасига гаплашамиз..."

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ "ЛИДЕР"ЛАРИ

Интернет саҳифаларида турли номларда ёки ўз номи билан профил очиб, ҳар хил пост ёзадиганлар, турли сурат

муносабат билдиринг, "юлдуз"га "очколар" ёғдуси ёғилади... Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган даврда бир четда Утириб, тутуриқсиз фикрлари билан кишилар онгига таъсир қилувчи бу "юлдуз"ларнинг мамлакатимизда қарор топган ошкоралик ва сўз эркинлигидан ўз манфаати йўлида фойдаланётгани ёки одамларнинг фикрини ўзгартаришга ҳаракат қилаётгани ачинарли ҳолат. Бугун ижтимоий тармоқларни шунчаки вақт ўтказиш, таниш-билиш орттириш ёки мулоқот қилиш майдони деб эмас, балки жамиятнинг виртуал ҳаёти деб билишимиз керак. Бунинг учун аввало, ҳар биримиз ижтимоий тармоқлардан тўғри мақсадда фойдаланишни одат қилсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.

Нурвали алламахалда ишдан қайтди. Машинасини гаражга киритиб қўйгач, айвондаги ором курсига ҳорғин чўқди. Борлиқ сукунатга чўмган. Сукунатни тунги чигирткалар чириллаганига бузарди. Тип-тиник мовий осмонда юлдузлар сирли милтирайди. Чарчаган бўлишига қарамай, Нурвалининг уйқуси қочди.

Эсида, муштипар онаизори Нурвали ишдан қайтувчи мана шу ором курсида муштдеккина бўлиб, урчуқ йиғириб ўтирарди. - Ассалому алайкум, энажон!

# Соғинч

- Валайкум ассалом, келдингми болам?
- Ҳали ҳам ухламадингизми, энажон?
- Уйкум келмади, болам!
Нурвали аслида онаси илҳақ бўлиб, уни кутиб ўтирганини билмасди. Энди меҳрига зор онаси йўқ. У чўқур хўрсинди. Муштипар она ҳаётлигида эрта бир кун ундан айрилишини, соғинч юрак-бағрини ўрташини фарзанд билмас экан. Водариг, қани, онаси

тирик бўлса-ю, бирпас ёнида ўтириб, меҳрибон чехрасига тўйиб-тўйиб боқса, қўлларини юзига босиб, "энажон", деб эркаланса. Фарзанд шўх-шодон кунларида онани эсламас, қадрига етмас экан. Вақти қазоси етиб, айрилиқ билан рўбару бўлганида, "дунё ўткинчи", деб ўзига таскин бераркан. Аслида, дунё тураверади, инсонлар келиб кетаверади, ҳаёт давом этаверади. Аллоҳ

## Маънавият сабоқлари

иродаси марҳамати шу. Ўйлаб қараса, ўз ташвишлари баҳона олаётган ёнида бир зум ўтириб, "қалайсиз энажон", деб кўнглини олишга, меҳрига тўйишга "вақт" топмаган экан. Ишга кетаётганида ордидан онажоннинг пичирлаб "яҳши бориб кел, болам", деб кузатиб қолишини, кўнги тун қилиб, йўлига интизор кўз тикиб ўтиришини Нурвали энди, онажондан жудо бўлганда ҳис этипти. Соғинчдан юрак-бағри эзилган Нурвали кўнгли бузилиб, ўрнидан турди. Олам сукутга чўмган, осмон беғубор, юлдузлар хира нур сочиб милтирарди. Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

# Тарбиясиз фарзанд кафтдаги чўғ кабидир

"Эй оналар! Юрагингиз тагида 9 ой сақлаган зурриёдингизни 2,5 ёшгача покдомон ҳолда эмизинг, токи меҳрингиз ва сутингизга тўйсин. Қалб қўрингиз ва чин эътиқод ила алла айтингки, унинг мурғак қалбиде Ватанга садоқат, ота-онага ҳурмат ва бошқа орзу-ҳавасларингиз муҳрлансин, шунда аллангизга хиёнат қилмай, орзуларингизни рўёбга чиқаргай".

Ҳаётнинг сўқмоқларида фарзанд тарбиясига эътиборсиз бўлганлар охир-оқибат доғда қолишган. Отананинг ахлоқий тарбияси, онанинг ҳомиладорлик ва эмизиклик даврини ўтказиш ҳолати бола тарбиясининг бошланғичи ҳисобланади. Навоий ҳазратлари "тарбияси нуқсонли фарзанд қўлга олганда кафтни куйдирадиган чўғдир", - деб ёзган. Ибн Сино эса чақалоққа бадантарбиянинг енгил латиф турлари - қуёш нури ва соф ҳавода сайр қилишни тавсия этган. Шунингдек, танбех ва қаттиққўлликнинг ҳаддан ошиши бола тарбиясига салбий таъсир қилиб, унинг ўзбошим-

ча бўлиб улғайишига олиб келишини таъкидлаган. Оила - фарзандларни барқамол тарбиялашга масъул жамиятнинг кичик бўлаги. Ота - оила устун, бироқ мастлик, сўкиниш, ноҳўя ҳаракатлар, боласига берган танбех ва маслаҳатига ўзи риоя қилмаслик оталик унвонини йўққа чиқаради. Она эса хонадон бекаси ва фарзандлар тарбиячиси, аммо фиксу фасод, эридан норозилик, оиладаги иқтисодий ночорлик, отанинг айбини болалар олдига юзига солавериш онани икки дунё саодатидан мосуво бўлишига олиб келади. Бобо ва бувилар эса оила мустаҳкамлиги, бекаму кўстлиги, фарзанд тарбияси ва камолида беминнат маслаҳатчи бўлмоғи лозим. Оилада уларнинг мувозанати бузилса, фарзанд тарбиясида кемтиклик пайдо бўлади. Ҳазрат Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" асариде фарзанд улғайганда ўз исмидан уялмаслиги учун унга туғилганидаёқ яҳши, муносиб исм қўйиш кераклиги эслатилган. Касб тақозоси билан кўп хонадонларда бўламан. Айрим йигитларнинг ўз исмларини ўнғайсизлашиб айтганларини кўп кўрганман. Айниқса, лобар қизларимизнинг исмлари ўзларини қувонтирмаслигини зиндан сезаман. Бир пайтлар Бўрибой ва Қўзигул-

ларнинг никоҳ тўйига бориб қолдим, қўтловчилар келин-куёв исмларини бот-бот такрорлайди, ширакайф бўз болаларнинг қочирлиқи гапларидан келин-куёвнинг хижолат чекканлари ёдимда. Ҳар бир бола оилада муомала маданияти, беҳуда кулавермаслик, сўз сеҳрини ўрганиши зарур. Шунингдек, вақтини бефойда ишларга сарфламасдан, илмга, китоб ўқишга, касб-ҳунар ўрганишга бағишлаш лозим. Эмишчи, бир замонлар илм-кашфиётни рағбатловчи бир ҳоқон ўз юртида 10 қадамдан ипни игнадан ўтказа олгуччи қобилият соҳиб пайдо бўлганини эшитиб, ҳузурига чорлабди. Мусобақада ростдан ҳам 10 қадамдан ипни отиб, игнадан моҳирона ўтказа олибди. Ҳоқон ғолибга маҳорати учун муқофот ва .... жазо қўллабди. Ҳамма таажубда, бироқ ҳукмдор элга берилган муқофот унинг ғаройиб қобилияти учун, аммо жазо эса ҳеч кимга нафи йўқ, ўз вақтини беҳуда сарфлагани учун берилганини айтиб, изох берибди. Қиссадан ҳисса, агар фарзандингиз илмга ихлос қўйса, қобилияти етадиганига сафарбар этиб, олган илмини фойдали сарфлашига эътибор қилинг. Илму ҳунар тубсиз, касблар кўп. Зеро, Пайгамбаримиз "Ота-она ўз фарзандига яҳши тарбия бериш ва адаб ўргатишдан ортиқ ҳада қила олмайдди", дедиллар. Жуманазар МАДИЕВ, Ибн Сино жамоат фонди Сурхондарё вилояти филиали раҳбари, Ҳамида АБДУМАЖИДОВА, Самарқанд давлат тиббиёт университети ўқитувчиси.

Тойлоқ туманининг Кўрғонча маҳалласида яшовчи Баҳодир Бердиқулов оиласи - спортчилар оиласи. Баҳодир ака Тойлоқ олимпия захирачлари интернатида ўқиб, кураш, эркин кураш, самбо бўйича Ўзбекистон чемпиони, бир неча марта Осиё ва халқаро мусобақалар совриндори бўлган. Халқаро тоифадаги ҳакам, спорт бўйича педагогика фанлари номзоди.

# ЧЕМПИОН | отанинг фарзандлари



совриндори, 200 нафари Ўзбекистон чемпиони бўлган. Баҳодир ака турмуш ўртоғи Санобар опа билан икки ўғли ва уч қизини вояга етказган. Тўрт фарзанди спортнинг академик эшак эшиш тури бўйича Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган. Асилбек Дўстмуродов оиланинг тўнғич фарзанди. У Самарқанд давлат университети жисмоний маданият факультети магистранти. Шу билан бирга, кураш бўйича мураббий. - Отанинг ҳаётини ўзимга идеал қилиб олганман. Билим олишим спорт билан шугулланишим, яҳши касбни эгаллашимга барча шароитларни яратиб берди, ўрни келганда устозлик қилди. Отам доим орзуларга, кўзланган мақсадларга етишиш учун тинмай меҳнат қилиш керак, деб ўқтиради. Спортчилар оиласи мисолида кўриш мумкинки, спорт кишини жисмонан соғлом, маънан етук, иродасини мустаҳкам қилиб тарбиялади, фаол ва ҳаракатчан бўлишини таъминлайди. Балки спортчи учун натижа муҳимдир, лекин ҳар бир киши ўзининг ва оиласининг саломатлиги ҳақида қайғуриши, спортнинг қайсидир тури билан мунтазам шугулланиши ҳамда уни ҳаёт тарзига айлантирмоғи лозим. Ф.ФАХРИДИНОВ.

MATBUOT UYI Zarafshon Самарқандский Вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 134 nusxada chop etildi. Buyurtma 387. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61 MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV. Navbatchi: T.SIDDIQOV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. Saytimgiza o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X 91772010667009 Sotuvda narxi kelishilgan holda